

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЧЕМБАЕВ БУЛАТ РЕНАТОВИЧ

**ЖАМИЯТ УЧУН ЎТА ХАВФЛИ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР СОДИР
ЭТГАН ШИЗОФРЕНИЯ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
КАСАЛЛИКНИНГ КЛИНИК-ДИНАМИК ВА ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.18 – Психиатрия ва наркология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Medical Sciences**

Чембаев Булат Ренатович

Жамият учун ўта хавфли хатти-ҳаракатлар содир этган шизофрения
билан оғриган беморларда касалликнинг клиник-динамик ва
ижтимоий-психологик хусусиятлари 3

Чембаев Булат Ренатович

Клинико-динамические и социально-психологические особенности
заболевания у больных шизофренией, совершивших тяжкие
общественно опасные действия..... 21

Chembaev Bulat Renatovich

Clinical-dynamic and social-psychological characteristics of the disease in
patients with schizophrenia who have committed grave socially dangerous
acts 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЧЕМБАЕВ БУЛАТ РЕНАТОВИЧ

**ЖАМИЯТ УЧУН ЎТА ХАВФЛИ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР СОДИР
ЭТГАН ШИЗОФРЕНИЯ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
КАСАЛЛИКНИНГ КЛИНИК-ДИНАМИК ВА ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.18 – Психиатрия ва наркология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib84 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг www.tipme.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ешимбетова Саида Закировна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Аграновский Марк Лейзерович тиббиёт фанлари доктори, профессор Ашуров Зарифжон Шарифович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Паркент кўчаси 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.М. Сабилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

У.Х. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда шизофренияга чалинган беморларнинг жамият учун хавfli хатти-ҳаракатлари жамоат соғлиқни сақлаш тизимида долзарб муаммолардан бири бўлиб, беморларга, оиласига, шифокорларга ҳамда бутун жамиятга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра қасддан одам ўлдирган шахсларнинг 6,48% ида шизофрения аниқланган¹. Суд-психиатрия экспертизаси хулосаларига кўра Республикамизда жамият учун ўта хавfli хатти-ҳаракатлар (ЖўХХ) содир этган ва бунда ўз ҳаракатлари аҳамиятини англай олмаслиги, ҳаракатларини бошқара олмаслиги тўғрисида эксперт хулосаси берилган шахсларнинг 55,1% ида шизофрения ташхиси аниқланган. Муаммонинг мураккаблиги ЖўХХ шизофренияга чалинган беморлар томонидан касаллик жараёнининг барча шаклларида ва босқичларида содир этилиши билан боғлиқ. Профилактика ишлари бундай ЖўХХни содир этишга ёрдам берувчи омиллар аниқланиб, ўз вақтида бартараф этилсагина амалга оширилиши мумкин. Бу эса фақат бундай қилмишлар уларнинг ижтимоий-шахсий ҳамда клиник-психопатологик детерминантларини тизимлаштирилган чуқур текшириш асосидагина амалга оширилиши мумкин.

Юртимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини тубдан янгилаш юзасидан кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди, соғлиқни сақлаш тизимининг самарали модели жорий этилди ва ижобий натижаларга эришилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида кўплаб ютуқларга эришилган бўлса-да, психиатрия хизмати фаолиятини такомиллаштириш борасида муайян муаммолар кузатилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишда «жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш»²га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган.

Жаҳонда ЖўХХ содир этган беморларда шизофрения клиникаси ва динамикаси масалаларини ҳар томонлама кўриб чиқиш, ЖўХХ содир этган беморларнинг мажбурий даволаш тамойилларини ишлаб чиқиш, шизофрения билан касал беморлар томонидан ЖўХХ содир этиш факторларини комплекс баҳолаш, ЖўХХ психопатологик механизмларини аниқлаш борасида кўплаб илмий-тадқиқот ишларининг амалга оширилаётганлиги ҳам ушбу диссертация тадқиқоти мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

¹ Large M., Smith G., Nielsse O. The relationship between the rate of homicide by those with schizophrenia and the overall homicide rate: A systematic review and meta-analysis // Schizophrenia Research, 2009. –Vol. 112, Issues 1–3. - pp. 123–129.

²2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июлдаги 207-сон «Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шизофренияга чалинган шахслар орасида ЖЎХХ муаммосини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий-тадқиқотлар амалга оширилган ва хавф факторлари, шизофрения клиникаси, динамикаси масалалари ҳар томонлама ўрганилган, ЖЎХХ олдини олиш ва мажбурий даволаш тамойиллари ишлаб чиқиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Суд психиатрияси соҳасида олиб борилган тадқиқотларнинг асосий қисми шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган ЖЎХХ содир этган шахслар контингентидан барча нозологик birlikларни қамраб олади ёки беморларда қонун бузилиши оғирлиги даражаси ҳисобга олинмасдан ЖЎХХ барча спектри тадқиқ этилган, фақат айрим изланишларгина шизофренияга чалинган шахсларда шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган ЖЎХХни ўрганишга бағишланган (Кондратьев Ф.В., 2002; Кудеринов С.В., 2003; Fazel S., 2010; Буравлев В.В., 2013). Шизофрения билан оғриган беморлар томонидан содир этиладиган ЖЎХХ генезида кўп факторларнинг роли ЖЎХХ олдини олишнинг алоҳида шакллари ишлаб чиқиш ва мукамаллаштиришга мажбур қилади. Бу шакллар шизофрения билан оғриган беморларнинг тажовузи ва зўравонлик ҳаракатларини олдиндан билиб бўлмасликни ҳисобга олган ҳолда (Monahan J. et al., 2005) тиббий ва ҳуқуқий жиҳатларни ўзида мужассамлаштирмоғи керак (Ешимбетова С.З., 2001; Мальцева М.М., Котов В.П., 2006),.

Сўнги йилларда жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан (Singh J.R., 2011) руҳий касалликларга чалинган шахслар ўртасида тажовузкор ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган асосий услубларнинг самарадорлиги етарлича исботланмаганлигича қолмоқда ва бу ўз навбатида мазкур муаммо бўйича ҳали кўплаб илмий изланишлар амалга оширилиши заруратини келтириб чиқаради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг психиатрия ва психотерапия кафедрасининг «Шизофрения, наркомания ва бошқа руҳий касалликлар психопатологик бузилишларининг клиник-ижтимоий жиҳатлари» илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамият учун ўта хавфли хатти-ҳаракатлар содир этган шизофренияга чалинган беморлардаги касалликнинг клиник-динамик ва ижтимоий-психологик хусусиятларини текшириш ҳамда уларнинг олдини олиш чораларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шизофрения билан оғриган беморларнинг ЖЎХХ содир этишига биологик омилларнинг таъсирини олдин ҳеч қачон ЖЎХХ содир этмаган шизофрения билан оғриган беморлар контингенти билан солиштирган ҳолда аниқлаш;

ЖЎХХ содир этган шизофрения билан оғриган беморларнинг олдин ҳеч қачон ЖЎХХ содир этмаган шизофрения билан оғриган беморлар контингенти билан солиштирган ҳолда ижтимоий-демографик кўрсаткичларни аниқлаш;

ЖЎХХ содир этишга таъсир қилган шизофрениянинг клиник-динамик хусусиятларини аниқлаш;

экспериментал-психологик услубларнинг маълумотлари бўйича тажовузкорлик кўрсаткичлари динамикасини олдин ҳеч қачон ЖЎХХ содир этмаган шизофрения билан оғриган беморлар контингенти билан солиштирган ҳолда баҳолаш;

шизофрения билан оғриган беморлар ЖЎХХнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЖЎХХ содир этган ва ҳуқуқбузарликка нисбатан ақли норасо деб топилган шизофрения билан оғриган 201 нафар бемор (асосий гуруҳ) ҳамда ҳеч қачон ЖЎХХ содир этмаган шизофрения билан оғриган 60 нафар бемор (таққослаш гуруҳи) кузатилган.

Тадқиқотнинг предмети беморлар клиник-динамик ва ижтимоий-психологик хусусиятлари, тажриба-психологик услублар натижаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник-катамнестик, клиник-психопатологик, тажриба-психологик, статистик каби текширув ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳеч қачон жамият учун ўта хавфли хатти-ҳаракатлар содир этмаган шизофрения билан оғриган беморлар контингенти билан солиштирган ҳолда клиник-динамик ва ижтимоий-психологик хусусиятларнинг жамият учун ўта хавфли хатти-ҳаракатлар келиб чиқишидаги роли аниқланган;

шизофрения билан оғриган беморларда жамият учун ўта хавфли хатти-ҳаракатлар содир этилишининг хавфини кучайтирадиган ижтимоий омиллар комплекси роли исботланган;

шизофрения билан оғриган беморлар томонидан жамият учун ўта хавфли хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишда асосий тадбирлар клиник ва ижтимоий омилларнинг ҳиссасини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган;

жамият учун ўта хавфли хатти-ҳаракатлар содир этган шизофрения билан оғриган беморларга нисбатан мажбурий даволаниш тактикаси касалликнинг синдромал тузилишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шизофрения билан оғриган беморлар томонидан ЖЎХХ содир этилишининг олдини олиш чоралари такомиллаштирилиб, мажбурий даволанишнинг дифференциал тактикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, статистик усулларнинг қўлланилиши, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар суд-психиатрияда ЖЎХХ содир этган шизофрения билан оғриган беморларнинг клиник-динамик ва ижтимоий-психологик хусусиятлари тўғрисидаги мавжуд тасаввурларни тўлдириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган тавсиялардан шизофрения билан оғриган беморлар томонидан ЖЎХХ содир этилишининг олдини олиш усулларини такомиллаштириш, ЖЎХХ содир этган шизофрения билан оғриган беморларга нисбатан тиббиёт муассасаларида даво тактикасини оптималлаштириш, шунингдек, тегишли йўналишлар бўйича таълим ва илмий фаолиятда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жамият учун ўта хавфли хатти-ҳаракатлар содир этган шизофренияга чалинган беморлардаги касалликнинг клиник-динамик ва ижтимоий-психологик хусусиятларини текшириш ҳамда уларнинг олдини олиш чораларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижаларига кўра:

ЖЎХХ содир этган шизофрения билан оғриган беморлардаги касалликнинг клиник-динамик ва ижтимоий-психологик хусусиятлари таҳлили асосида «Патогенетические механизмы совершения тяжких общественно опасных действий больными шизофренией» номли монография нашр этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 18 майдаги 8Н–д/37-сон маълумотномаси);

ЖЎХХ содир этган шизофрения билан оғриган беморлардаги касалликнинг клиник-динамик ва ижтимоий-психологик хусусиятлари таҳлили асосида олинган натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонаси ва Республика назорати кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 11 декабрдаги 8Н–д/269-сон маълумотномаси). Амалиётга жорий қилинган тавсиялар натижасида Республика назорати кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси шизофрения билан оғриган беморларнинг ўрта

даволаниш муддати 2600 ўрин/кундан 2441 ўрин/кунгача, Тошкент шаҳар рухий касалликлар клиник шифохонасида ўртача даволаниш муддати 839 ўрин/кундан 638 ўрин/кунгача қисқарган, бу эса даволаниш учун сарфланадиган маблағларнинг тежалишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шизофрения билан оғриган беморлар томонидан оғир ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этилиши муаммоси, сабаблари ва олдини олиш бўйича замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича адабиётлар баёни берилган, шизофрения билан оғриган беморлар томонидан оғир ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этилиши сабабларини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқотлар асосий йўналишлари тўғрисида илмий маълумотлар ва криминал тажовузкорлик клиник, биологик ва ижтимоий предикторлари ҳамда бу беморлар контингентда психологик-ташхисот усуллариининг қўлланилиши тўғрисида илмий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўта оғир ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этган шизофрения билан оғриган беморларда касалликнинг клиник-динамик ва ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш методологияси**» деб номланган иккинчи бобида материал ва тадқиқот олиб бориш услублари, шунингдек, олинган маълумотларни баҳолашда қўлланилган статистик усуллар келтирилган. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун 2011–2013 йилларда шахснинг соғлиги ва ҳаётига қарши қаратилган оғир ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этган ва республика

назорати кучайтирилган рухий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш ўтаётган шизофрения билан оғриган 201 нафар бемор текширувдан ўтказилган, шулардан 181 нафари (90,05%) эркаклар ва 20 нафари (9,95%) аёллардир.

Ушбу беморлар этномаданий белгиси асосида икки гуруҳга ажратилган: 174 кишидан иборат биринчи гуруҳ Марказий Осиёнинг туб халқларидан (ўзбек, қозок, қорақалпоқ, туркман ва бошқалар) ташкил топган бўлиб, ЖЎХХларни $35,73 \pm 9,15$ ёшида содир этган ва касаллик давомийлиги $8,37 \pm 7,66$ йил бўлган. 27 кишидан иборат иккинчи гуруҳ ўз ичига бошқа миллатлар вакиллари олган (рус, украин, корейс ва бошқалар), ЖЎХХларни $42,89 \pm 12,33$ ёшда содир этган ва касаллик давомийлиги $18,48 \pm 11,51$ йил бўлган. Бир қатор ижтимоий-психологик ва клиник-динамик кўрсаткичларни қиёсий баҳолаш учун психиатр ҳисобида турган ва ҳеч қачон ЖЎХХ содир этмаган иккита назорат гуруҳи шакллантирилган: 40 кишидан иборат биринчи назорат гуруҳи Марказий Осиёнинг туб халқларидан (ўзбек, қозок, қорақалпоқ, туркман ва бошқалар), 20 кишидан иборат иккинчи назорат гуруҳи бошқа миллатлар вакилларидан (рус, украин, корейс ва бошқалар) ташкил топган. Текширув даврида биринчи назорат гуруҳи вакилларида ўртача ёш $37,23 \pm 9,72$, иккинчи назорат гуруҳида $43,45 \pm 12,16$ бўлиб, ушбу кўрсаткич бўйича асосий гуруҳлар билан статистик аҳамиятли фарқлар мавжуд эмас ($p > 0,05$). Текширув даврида биринчи назорат гуруҳи вакилларида касаллик давомийлиги $10,9 \pm 6,28$ йил бўлган. Иккинчи назорат гуруҳида бу кўрсаткич $18,7 \pm 8,24$ йил бўлиб, ушбу кўрсаткич бўйича асосий гуруҳлар билан статистик аҳамиятли фарқлар мавжуд эмас ($p > 0,05$).

Қўйилган вазифаларни амалга оширишда клиник-психопатологик, клиник-анамнестик, экспериментал-психологик ва статистик-математик усуллардан фойдаланилди. Иккита боғлиқ бўлмаган гуруҳларнинг миқдорий кўрсаткичлари солиштирилиши Вилкоксон–Ман–Уитни нопараметрик мезони, тўртта боғлиқ бўлмаган гуруҳлар Краскел–Уоллис вариациялар таҳлили ёрдамида амалга оширилди. Сифатий кўрсаткичлар солиштирилишида Пирсон χ^2 мезони қўлланилди, зарурият бўлганда узлуксизлик учун Йетс қўшимчасидан фойдаланилди. Натижалар таҳлилида $p < 0,05$ статистик муҳим деб ҳисобланган, кўплик жуфт солиштирилишларда Бонферонни қўшимчаси инобатга олинган. Психопатологик синдромлар «Психопатологик синдромлар ва ҳолатлар глоссарийи» психопатологик ҳолатларни унификациялаштирилган клиник баҳолаш учун услубий қўлланмасига (А.К.Ануфриев, Ю.И.Либерман, В.Г.Остроглазов, 1990) асосан аниқланган.

Диссертациянинг «**Ўта оғир ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этган шизофрения билан оғриган беморларнинг биологик, ижтимоий ва криминологик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида ўта оғир ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этган шизофрения билан оғриган беморларда биологик, ижтимоий-демографик ва криминологик омилларга оид текширув натижалари келтирилган. ЖЎХХдан олдинги конституционал-биологик ва

экзоген факторларнинг қиёсий таҳлили шизофрения билан оғриган беморлар томонидан шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган ЖЎХХ содир этишда ирсий оғирлашганлик, ота-оналар ўртасида қариндошлик никоҳларининг мавжудлиги, бош миянинг экзоген зарарлар билан зарарланиши каби омилларнинг муҳим таъсирини истисно қилишга имкон берди.

Барча гуруҳлар вакиллари асосий қисми тўлиқ оилаларда тарбия олган. Иккинчи гуруҳнинг 7 нафар вакили (25,9%) тўлиқ бўлмаган оилаларда вояга етган ва ёлғиз оналар томонидан тарбия қилинган. Бу биринчи гуруҳнинг кўрсаткичларидан анча ортиқ (13–7,5%) ($p < 0,05$), ушбу кўрсаткич иккита таққослаш гуруҳларда 7,5% ва 20% ни ташкил қилиб, асосий гуруҳлар билан статистик аҳамиятли фарқ аниқланмаган ($p < 0,05$). Иккинчи гуруҳнинг 6 нафар вакили (22,2%) ота-оналар ўртасида тез-тез низолар бўлиб турган оилаларда тарбияланган, бу ҳолат биринчи гуруҳ вакиллари орасида деярли кузатилмаган (5–2,9%) ($p < 0,05$). Шу билан бирга таққослаш гуруҳлари билан ўзаро солиштириш жараёнида (ушбу кўрсаткич биринчи таққослаш гуруҳида 7,5% ва иккинчи таққослаш гуруҳида 25%) статистик аҳамиятли фарқ аниқланмаган ($p < 0,05$). Биринчи гуруҳ беморларининг асосий қисми (126–72,4%) қишлоқ жойларида яшаган, бу иккинчи гуруҳнинг аналогик кўрсаткичларидан анча ортиқ бўлган (8–29,6%) ($p < 0,05$).

Статистик таҳлил жараёнида иккинчи гуруҳда биринчи гуруҳга нисбатан олий маълумотли шахслар улушининг катталиги (7–25,9%) ва ўрта маълумотга эга шахслар улушининг кичиклиги (18–66,7%) (биринчи гуруҳда 16 нафар бемор (9,2%) олий маълумотга ва 150 нафар бемор (86,2%) ўрта маълумотга эга бўлган) аниқлаган ($p < 0,05$). Ушбу кўрсаткич таққослаш гуруҳлари билан ўзаро солиштирилганда статистик аҳамиятли фарқ аниқланмаган ($p < 0,05$). Биринчи гуруҳда доимий иш жойига эга шахслар (89–51,1%) иккинчи гуруҳнинг аналогик кўрсаткичидан (7–25,9%) устунлиги аниқланган ($p < 0,05$). Бунда иккинчи гуруҳдаги 14 нафар бемор (51,9%) иккинчи гуруҳ ногиронлигига эга бўлган, бу кўрсаткич 50 нафар бемордан иборат биринчи гуруҳ кўрсаткичидан (28,8%) ($p < 0,05$) ортиқ. Уйланган (турмушга чиққан) беморларнинг энг кўп сони биринчи гуруҳда (95–64,6%), бу иккинчи гуруҳнинг (2–7,4%) шундай кўрсаткичидан (17–34%) анча ортиқ ($p < 0,05$). Иккинчи гуруҳ вакиллари биринчи гуруҳ билан таққосланганда кўпроқ бўйдоқ (турмушга чиқмаган) (13–48,2%) ёки ажрашганлик ҳолатлари кузатилган (12–44,4%) (биринчи гуруҳда тегишлича 41–23,6% ва 38–21,8%) ($p < 0,05$). Ушбу кўрсаткич таққослаш гуруҳлар билан ўзаро солиштирилганда статистик аҳамиятли фарқ аниқланмаган ($p < 0,05$).

Текширувлар натижасида биринчи гуруҳнинг 2 нафар бемори (1,2%) каннабиноидларни систематик истеъмол қилиши, биринчи гуруҳнинг 10 нафар (5,7%), иккинчи гуруҳнинг 2 нафар (7,4%), биринчи таққослаш гуруҳининг 2 нафар (5%) ва иккинчи таққослаш гуруҳининг 1 нафар беморида (5%) каннабиноидларни эпизодик истеъмол қилиш аниқланган. Бу белги бўйича статистик аҳамиятли фарқ аниқланмаган ($p < 0,05$). Текширилган

беморларнинг ҳеч бирида опиат ёки бошқа гуруҳдаги наркотик моддалар истеъмол қилиш фактлари қайд этилмаган.

Статистик таҳлил натижаларига кўра алкогольга боғлиқлиги бўлган беморларнинг энг кўп сони иккинчи гуруҳда аниқланган (4–14,8%), лекин бу фарқ биринчи гуруҳдаги (7–4%) ва иккинчи таққослаш гуруҳининг (1–2,5%) кўрсаткичлари билан таққосланганда статистик аҳамиятли эмас. Иккинчи таққослаш гуруҳи вакилларининг кўп қисми (13–65%) иккинчи гуруҳ (7–25,9%) вакилларига нисбатан умуман спиртли ичимликлар истеъмол қилмаган ($p < 0,05$).

Биринчи гуруҳнинг учдан биридан ортиқ қисми (67–38,5%) ЖЎХХ содир этишдан олдин психиатрларнинг эътиборига ҳеч қачон тушмаган. Иккинчи гуруҳнинг аналогик кўрсаткичи эса анча паст бўлган (3–11,1 %). Диспансер ҳисобда турган беморлар биринчи гуруҳга қараганда (100–57,5%) иккинчи гуруҳда кўпроқ бўлган (23–85,2%) ($p < 0,05$). Психиатрлар эътиборига тушмаганлик сабаблари аниқланганда Марказий Осиё халқлари орасида шизофренияни ноанъанавий даволаш усулларининг оммабоплиги ва оила аъзосида психик касалликнинг мавжудлигини атрофдагилардан яшириш каби омиллар маълум бўлди. Бундай даволаниш усулларида биринчи гуруҳдан 104 нафар (59,8%) ва иккинчи гуруҳдан 1 нафар бемор (3,7%) фойдаланган ($\chi^2 = 27,24$ $p < 0,001$). Бунда биринчи гуруҳнинг 29 нафар бемори (16,7%) расмий тиббиёт хизматларига мурожаат қилмасдан, фақат шундай усуллар билан даволанган; иккинчи гуруҳ беморлари орасида эса бундай тенденция кузатилмаган ($\chi^2 = 3,99$; $p = 0,046$). Биринчи гуруҳда 15 нафар беморнинг (8,6%) қариндошлари уларда психик бузилиш мавжудлигини кўришган, лекин ошкор қилишдан кўрқиб, психиатрларга ҳам, халқ табибларига ҳам мурожаат қилишмаган; иккинчи гуруҳ беморларида бундай ҳолат кузатилмаган.

Беморларнинг криминал ўтмиши ўрганилганда биринчи гуруҳдан 45 нафар бемор (25,8%) аввал жиноий жавобгарликка тортилганлиги аниқланди. Улардан 32 нафари жиноий жавобгарликка 1 марта, 9 нафари 2 марта, 3 нафари 3 марта, 1 нафари 4 марта тортилган. Иккинчи гуруҳдан 15 нафар бемор (44,4%) аввал жиноий жавобгарликка тортилган, бу кўрсаткич биринчи гуруҳ кўрсаткичидан ортиқ ($p < 0,05$). Улардан 7 нафари 1 марта, 1 нафари 2 марта, 4 нафари 3 марта жиноий жавобгарликка тортилган. Ҳуқуқбузарликлар рецидивлари биринчи гуруҳга (11 нафар, 6,3%) нисбатан иккинчи гуруҳда аниқ баланд бўлган (6 нафар, 22,2%) ($p < 0,05$).

Виктимологик таҳлил натижаларига кўра биринчи гуруҳ беморларининг ЖЎХХ натижасида жами битта бемордан (ҳаммаси бўлиб 227 киши) ўртача 1,30 киши жабрланган. Бу иккинчи гуруҳдаги ҳар бир беморнинг ЖЎХХдан жабрланганларнинг ўртача сонидан анча ортиқ (28 киши – битта беморга 1,04 жабрланган) (Mann–Whitney U Test $z = 2,09$; $p = 0,004$). ЖЎХХ натижасида жабрланганлар миқдори таҳлил қилинганда биринчи гуруҳнинг 35 нафар бемори (20,1%) содир этган ЖЎХХ натижасида иккитадан ортиқ жабрланганлар мавжудлигини кўрсатади. Иккинчи гуруҳда эса фақатгина

бир нафар бемор (3,7%) ЖЎХХ содир этган ва бу ЖЎХХ натижасида биттадан ортиқ одам жабрланган. Статистик таҳлил натижаларига кўра биринчи гуруҳ ЖЎХХ оқибатида жабрланганлар кўпинча эр-хотинлар (53–23,3%) ва камроқ ота-оналар бўлишган (30–13,2%); иккинчи гуруҳда эса тескари нисбат кузатилган (тегишли равишда 1–3,6% ва 11–39,3%) ($p < 0,05$) ва бу шахсий оиланинг йўқотилганлиги билан изоҳланиши мумкин.

Биринчи гуруҳнинг 97 нафар (55,7%) ва иккинчи гуруҳнинг 17 нафар бемори (63,0%) ўзлари яшаган уйларда ЖЎХХ содир этган. ЖЎХХ жабрланганларнинг уйларида камроқ содир этилган (биринчи гуруҳнинг 20 нафар (11,5%) ва иккинчи гуруҳнинг 3 нафар бемори (11,1%)). Биринчи гуруҳнинг 57 нафар (32,8%) ва иккинчи гуруҳнинг 7 нафар бемори (25,9%) бошқа жойларда (кўча, жамоат фойдаланиш жойлари ва бошқалар) ЖЎХХ содир этишган. Бу белги бўйича фарқлар статистик аҳамиятли бўлмаган ($p > 0,05$). Беморларнинг жабрланганлар билан муносабатлари таҳлилга тортилганда ҳолатларнинг ярмидан кўпида, айнан эса, биринчи гуруҳнинг 103 нафар (59,2%) ва иккинчи гуруҳнинг 9 нафар беморида (66,7%) ЖЎХХ содир этилмасдан анча аввал низоли муносабатлар мавжудлигини кўрсатди. Бу белги бўйича фарқлар статистик аҳамиятли бўлмаган ($p > 0,05$).

Статистик таҳлил биринчи гуруҳдаги 28 нафар (16,1%) анамнезида ва иккинчи гуруҳдаги 9 нафар бемор (33,3%) анамнезида суицидал уринишларнинг мавжудлигини кўрсатди. Бу белги бўйича фарқлар катта эмас ($p > 0,05$). Бунда эндоген жараён зўрайишидан ташқари суицидал уринишлар иккинчи гуруҳнинг 5 нафар бемори (18,5%) томонидан содир этилган. Биринчи гуруҳда эса бу кўрсаткич 10 нафарни (5,8%) ташкил этган ($p > 0,05$). Психотик симптоматика манзарасида суицидал мақсадларсиз ўзига шикаст етказиш биринчи гуруҳ беморлари орасида аниқланган (2–1,1%), беморлар ўзларига кесишлар етказиш сабабини бундай ҳаракат ички тарангликни пасайтириши билан тушунтиришган. Иккинчи гуруҳнинг 4 нафар бемори (14,8%) ўзларига шикастларни эндоген жараёни зўрайишидан ташқари ҳолатда етказган. Биринчи гуруҳдаги кўрсаткич 6 нафарни (3,5%) ташкил этган ($p > 0,05$). Эндоген жараён зўрайишидан ташқари ўзига шикастлар етказиш вазиятга боғлиқ бўлган ва намоийиш-шантаж характерида эга бўлган.

Диссертациянинг «**Ўта оғир ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этган шизофрения билан оғриган беморларнинг клиник хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида ўта оғир ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этган шизофрения билан оғриган беморларда ЖЎХХ содир этиш пайтидаги психопатологик синдромлар, касалликнинг инициал ва манифест даври хусусиятлари, шизофрениянинг тури ва клиник кечиши ҳамда ЖЎХХ содир этиш пайтидаги касалликнинг давомийлиги ўрганилди.

ЖЎХХ содир этиш пайтида шизофрения билан оғриган беморларнинг психик аҳволини баҳолаш учун бошловчи психопатологик синдромлар аниқланган. ЖЎХХ содир этиш пайтида биринчи гуруҳнинг 10 нафар (5,8%) ва иккинчи гуруҳнинг 1 нафар беморида (3,7%) кататоник синдромлар

кузатилган ($p>0,05$). Биринчи гуруҳнинг 19 нафар беморида (10,9%) ўткир васваса ҳолатлари қайд этилган. Иккинчи гуруҳ беморларида бундай ҳолатлар кузатилмаган, лекин ушбу фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас ($p>0,05$). Аффектив-васваса синдромлари биринчи гуруҳнинг 7 нафар (4,0%) ва иккинчи гуруҳнинг 1 нафар беморида (3,7%) кузатилган ($p>0,05$). Галлюцинацияларсиз васваса ҳолатлари биринчи гуруҳнинг 47 нафар беморида (27,0%) кузатилган. Бу кўрсаткич иккинчи гуруҳнинг аналогик кўрсаткичидан анча ортиқ. Иккинчи гуруҳда ўхшаш симптоматика билан 1 нафар бемор (3,7%) аниқланган ($p<0,05$). Сурункали параноид ҳолатлар биринчи гуруҳнинг 23 нафар (13,0%) ва иккинчи гуруҳнинг 3 нафар беморида (11,1%) аниқланган ($p>0,05$). Дефект ва якуний ҳолатлар биринчи гуруҳнинг 63 нафар беморида (36,2%) кузатилган. Бу кўрсаткич иккинчи гуруҳ кўрсаткичидан анча кам. Иккинчи гуруҳда 20 нафар бемор (74,1%) ($p<0,05$) аниқланган. Парафрен синдром биринчи гуруҳнинг 1 нафар (0,6%) ва иккинчи гуруҳнинг 1 нафар (3,7%) беморида аниқланган, ушбу синдром бўйича статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмаган ($p>0,05$).

Васваса кечинмалар мазмунини ўрганиш ЖЎХХ содир этиш пайтида биринчи гуруҳнинг 12 нафар (6,9%) ва иккинчи гуруҳнинг 3 нафар беморида (11,1%) сеҳрлаш ёки таъсир қилиш васвасаси кузатилганлигини ($p>0,05$) кўрсатди. Иккинчи гуруҳдан фарқли равишда биринчи гуруҳнинг 36 нафар беморида (20,7%) рашк васвасаси кузатилган, иккинчи гуруҳда бундай симптоматика кузатилмаган ($p<0,05$). Бу иккинчи гуруҳ беморларининг аксариятида ўз оиласининг йўқлиги билан тушунтирилиши мумкин. Жисмоний яқсон этиш таҳдиди билан таъқиб қилиш васвасаси биринчи гуруҳнинг 34 нафар (19,6%) ва иккинчи гуруҳнинг 2 нафар беморида (7,4%) кузатилган ($p>0,05$). Салбий муносабат васвасаси биринчи гуруҳнинг 18 нафар беморида (10,3%) аниқланган. Иккинчи гуруҳда эса бундай васваса кузатилмаган ($p>0,05$). ЖЎХХ содир этиш пайтида иккинчи гуруҳ беморларининг кўпчилик қисмида (22–81,5%) васваса бузилишлари кузатилмаган ёки васваса тизимида доминант компонентни ажратиш мумкин бўлмаган. Биринчи гуруҳда бу анча кам учраган (74–42,5%) ($p<0,05$). Содир этилган ЖЎХХ таҳлил қилиниб, биринчи гуруҳи 122 вакили (70,1%) продуктив-психотик механизмлар туфайли ЖЎХХ содир этилганлиги ва ушбу кўрсаткич иккинчи гуруҳ кўрсаткичидан (7 нафар бемор – 26,9%) анча юқори эканлиги аниқланди ($p<0,05$). Тегишлича биринчи гуруҳнинг 52 нафар вакили (29,9%) ва иккинчи гуруҳнинг 20 нафар вакили (74,1%) ЖЎХХларни салбий-шахсий механизмлар туфайли содир этган.

Инициал давр клиникасини ўрганиш натижасида унинг қуйидаги вариантлари ажратилган: неврозсимон, психопатсимон ўхшаш, аффектив, паранойял. Шунингдек, инициал давр бўлмаган ва касаллик психотик симптоматика билан манифестлашган ҳолатлар ҳам аниқланган. Биринчи гуруҳнинг 53 нафар (30,4%) ва иккинчи гуруҳнинг 8 нафар беморида (29,7%) кўпинча инициал манзаранинг неврозсимон варианты кўринишидаги клиник манзара кузатилган. Клиник манзара астеник, обсессив-фобик ва ипохондрик

симптоматика мавжудлиги билан ифодаланган. Биринчи гуруҳнинг 37 нафар (21,3%) ва иккинчи гуруҳнинг 7 нафар беморида (25,9%) аниқланган инициал даврнинг психопатсимон варианты, умуман олганда, феъл-атворнинг турли шаклдаги бузилишлари билан ифодаланган. Биринчи гуруҳнинг 20 нафар (11,5%) ва иккинчи гуруҳнинг 4 нафар беморида (14,8%) аниқланган инициал даврнинг паранойял варианты кўпроқ ўта кадрли ҳосилаларнинг шаклланиши билан характерланган. Биринчи гуруҳнинг 37 нафар (21,3%) ва иккинчи гуруҳнинг 6 нафар беморида (22,2%) аниқланган аффектив вариант ўз ичига аффектив бузилишларнинг кенг спектрини – субдепрессиялар, кайфиятнинг ўзгаришларидан гипоманиакал ҳолатларгача ўз ичига олган. Бундай ҳолатлар кўпинча аралаш кузатилган. Биринчи гуруҳнинг 12 нафар (6,9%) ва иккинчи гуруҳнинг 2 нафар беморида (7,4%) инициал даврнинг бирор белгиларини аниқлаб бўлмади. Одатда, бундай ҳолларда психоз экзоген зарарлар (интоксикациялар, психогениялар) таъсиридан кейин ўткир бошланган. Статистик таҳлил инициал давр вариантларини тақсимлашда таққосланадиган гуруҳлар ўртасида аҳамиятли фарқларни аниқламади ($p < 0,05$). Манифест даврида психопатологик бузилишлар таркиб касалликнинг кейинги кечиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, эндоген жараённинг бу босқичи ҳам ретроспектив таҳлил этилди. Манифест даврида биринчи гуруҳнинг 63 нафар (36,2%) ва иккинчи гуруҳнинг 9 нафар беморида (33,3%) ўткир васваса ҳолатлари кузатилган. Галлюцинацияларсиз васваса ҳолатлари биринчи гуруҳнинг 61 нафар (35,0%) ва иккинчи гуруҳнинг 11 нафар беморида (40,8%) кузатилган. Аффектив-васваса синдромлари биринчи гуруҳнинг 28 нафар (16,1%) ва иккинчи гуруҳнинг 2 нафар беморида (7,4%) кузатилган. Онг хиралашиш синдромлари биринчи гуруҳнинг 8 нафар (4,6%) ва иккинчи гуруҳнинг 1 нафар беморида (3,7%) кузатилиб, онейроид ҳолатлар билан намоён бўлган. Онг хиралашиш белгиларисиз кечаётган психотик манзарали кататоник синдромлар билан биринчи гуруҳнинг 6 нафар (3,5%) ва иккинчи гуруҳнинг 1 нафар беморида (3,7%) кузатилган. Биринчи гуруҳнинг 8 нафар (4,6%) ва иккинчи гуруҳнинг 3 нафар беморида (11,1%) нуксон ҳолатлари кўринишидаги ҳиссиёт-иродавий бузилишлар кузатилган. Статистик таҳлил гуруҳлар ўртасида мазкур кўрсаткич бўйича аҳамиятли фарқларни аниқламади ($p < 0,05$).

Биринчи гуруҳ вакилларида шизофрениянинг манифестация ўртача ёши $27,60 \pm 8,45$ ёшни ташкил этди. Бу кўрсаткич иккинчи гуруҳ вакилларида $24,56 \pm 7,90$, биринчи таққослаш гуруҳи вакилларида $26,33 \pm 8,32$ ва иккинчи таққослаш гуруҳи вакилларида $26,25 \pm 10,52$ ёшни ташкил этди ва аҳамиятли фарқ қилмади (Kruskal–Wallis test: $H=58,73$; $p > 0,05$). Манифест даврдаги ва ЖЎХХ содир этиш вақтидаги клиник манзара таққосланиб таҳлил этилганда беморларнинг асосий қисмида психопатологик регистрнинг оғирлашгани қайд этилди. Бу кўрсаткич иккинчи гуруҳнинг 45,4% беморида кузатилди ва биринчи гуруҳ кўрсаткичидан (25,9%) анча катта. Биринчи гуруҳ беморларининг 45,4% ва иккинчи гуруҳ беморларининг 25,9% ида

психопатологик бузилишлар регистри динамикада ўзгармаган, биринчи гуруҳ беморларида 2,9% ҳолатда ЖЎХХ содир этиш вақтида психопатологик бузилишлар регистри пасайиши қайд этилган, статистик таҳлил бу кўрсаткич бўйича аҳамиятли фарқларни аниқламаган ($p>0,05$).

Биринчи гуруҳда ҳам (74–42,5%), иккинчи гуруҳда ҳам (13–48,2%) шизофрениянинг узлуксиз кечиши туридаги беморлар аксариятни ташкил этган. Тарқалганлиги бўйича кейингисида стабил нуқсон билан эпизодик кечиш кузатилган (биринчи гуруҳда 42–24,1% ва иккинчи гуруҳда 9–33,3%). Биринчи гуруҳнинг 38 нафар (21,9%) ва иккинчи гуруҳнинг 4 нафар беморида (14,8%) кучайиб борадиган нуқсон билан эпизодик кечиш аниқланган. Биринчи гуруҳнинг 20 нафар (11,5%) ва иккинчи гуруҳнинг 1 нафар беморида (3,7%) аниқланган эпизодик кечиш энг кам учраган. Статистик таҳлил натижаларига кўра таққосланадиган гуруҳлар ўртасида шизофрениянинг кечиши турлари бўйича аҳамиятли фарқлар аниқланмаган ($p>0,05$).

